



# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 14-yanvar • Payshanba • 6 (30.126) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

## ВАТАН ҶИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли Ватан Ҷимоячилари — аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!  
Сизларни, Ватан Ҷимоячиси деган олижаноб ишга ўзини бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан Ҷимоячилари куни ва Қуролли Кучларимизнинг ўн саккиз йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва худудий яллитлигининг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларни барпо этиш ва миллий армиямизни шакллантириш борасида ўзининг моҳияти ва қўлимига кўра том маънода улкан ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва келиб чиқаётган хавф-хатарларни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида армиямизни ислоҳ қилишнинг узок муддатли дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Ушбу дастурга мувофиқ, Мудофаа вазирлигининг бўлими ва қисмларини, чегара қўшинларини, бошқа вазирилик ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ягона кудратли тизимга бириштирган Қуролли Кучларимиз қўсmalarининг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди.

Қуролли Кучларимиз ва уларнинг асосий жанговар бўлимларининг принципал жиҳатдан мутлақо янги ташкилий таркибий тузилмаси жорий этилди, бошқарув ва тузилмаларнинг бир-бирини такорлайдиган, кам самарали бўлинлари тугатилди. Бу ўз навбатида мазкур бошқарув ва тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, тежорлиги ва жанговар қобилиятини ошириш имконини берди.

Мамлакатимиз худудига суқилиб кирадиган ҳар қандай таъвозуқор босқинчи-га қарши қатъий зарба беришга қодир бўлган Махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, Террорчиликка қарши курашиш корпуси бўлимлари ва бошқа замонавий жанговар бўлимлар ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини кучайтириш давом эттирилмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил эtib белгилангани, муддатли ҳарбий хизматга қабулнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик-чақирув резерв

хизматининг жорий этилгани армиямизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни принципал жиҳатдан тубдан ўзгартирди.

Шу йиллар мобайнида ҳарбий-техник ҳамкорликни ривожлантириш, қўшинларни замонавий қурол-ярoғ турлари билан қуроллантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ҳарбий хизматчиларни ўй-жой билан таъминлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, пул таъминотини ошириш, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган шахсларни рағбатлантиришга қаратилган аниқ мақсадли, комплекс дастурларнинг изчил ижро этилиши ҳарбий хизматчилар ва уларни оила аъзоларининг моддий, ихтимоий-маънавий шароитларини сезиларли равишда яхшилаш имконини берди.

Шу давр ичида амалга оширилган ишларни баҳолаб эканмиз, бугунги кунда Ўзбекистон амалда ўзининг замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши қуролланган, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига ога, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Шу билан бирга, минтақамиз ва бутун жаҳондаги мураккаб, тез ўзгараётган ҳарбий-сийсий вазият, биринчи навбатда, Афғонистондаги тобора кескинлашиб бораётган аҳвол билан боғлиқ тарзда хавфсизликка қарши реал ва эҳтимоли тутилаётган хавф-хатарларнинг кучайиб, наркоагрессия, халқаро терроризм, экстремизм ва бошқа таҳдидларнинг микёси кенгайиб бораётгани Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, давлат чегараларимизни ҳимоя қилиш ва қўриқлаш чораларини янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Қуролли Кучларимиз олдида қўйилган вазифаларни амалга ошириш масаласи биздан Ватанимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ва тобора кучайиб бораётган ана шундай талабларни ҳисобга олган ҳолда, армиямизни модернизация ва ислоҳ қилиш, унинг салоҳияти ва жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган стратегия ҳамда устувор йўналишларни бажариш юзасидан бошланган ишларимизни янада чуқурлаштиришни тақозо этади.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мустақиллигимизнинг муҳим кафолати, озод ва обод Ватанимизни мустаҳкам ҳимоя қилишга қодир ишончли қалқондир. Шу кунларда мамлакатимизда Ватан Ҷимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 18 йиллиги кенг нишонланмоқда.



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат

## ВАТАНИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

«Туркистон» саройида 13 январь куни ушбу байрамга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тухтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маъҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислам Каримовнинг Ватан Ҷимоячиларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Армияни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасида Қуролли Кучларни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди, мамлакатимизнинг ягона мақсад ва вазифалар негизида узвий боғланган ишончли мудофаа комплекси вужудга келди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди. Ушбу фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фуқароларини Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга йилга бир марта — февраль-март ойларида чақириш белгиланди. Муддатли ҳарбий хизматдаги, сафарбарлик-чақирув резервдаги ёшларни ҳар томонлама камол топтиришга, уларда она юртининг ишончли ҳимоячиси бўлиш учун ҳамisha шай туришга асосланган характерни, дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш кўзда тутилган.

Замонавий ўқув базаси билан таъминланган сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий билан юртлири ҳарбий тайёргарлик-

ни илгор илм-фан ва техника ютуқларига асосланган ҳолда олиб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу миллий армиямизни профессионал кадрлар билан тўлдириш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама тайёргарлигини, билим ва кўникмаларини ошириш, маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳарбий хизматни ўташ шароитини яхшилаш ҳамда Ватан Ҷимоячиларига ҳар томонлама ғамбўй хизматга йилга бир марта — февраль-март ойларида чақириш белгиланди. Муддатли ҳарбий хизматдаги, сафарбарлик-чақирув резервдаги ёшларни ҳар томонлама камол топтиришга, уларда она юртининг ишончли ҳимоячиси бўлиш учун ҳамisha шай туришга асосланган характерни, дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш кўзда тутилган.

Замонавий ўқув базаси билан таъминланган сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий билан юртлири ҳарбий тайёргарлик-

улarga Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида аяна тусини олган уч бошқичли танловга асосан, 2009 йилдаги энг илгор бригада, батальон, взвод, гуруҳ командири ва энг илгор сержант аниқланди. Тадбирда ана шу танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Энг илгор ҳарбий қисм, сержантлар тайёрлаш мактаби ва олий ҳарбий билим юрти ҳам мукофотланди.

Йиғилишда сўзга чиққан катта лейтенант Мурод Қосимов, кичик сержант Шавкат Чориев, ҳарбий хизматчи онаси Муқаддас Раҳматуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Исмоилов давлатимиз раҳбарини 2010 йил 11 январда қабул қилинган фармонига мувофиқ Ватан Ҷимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унванлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.  
Озод РАЖАБОВ,  
ЎЗА мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI ВАТАН ҶИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДАДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, ёшларни миллий истиклол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сийсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унванлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Аббасов Алишер Шавкатович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясининг катта ўқитувачиси

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚА ХОДИМИ»

Ходжақбаров Омониллохон Тўлқунович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойийлик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдухалилов Саҳиб Сабинович — Давлат божхона қўмитаси Фарғона вилояти божхона бошқармасининг бошлиғи

Мансуров Толиб Хуршетович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғининг ўринбосари

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ»  
ОРДЕНИ БИЛАН

Акбаржанов Шухрат Абдурахманович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Ахмедов Абдуғапур Тўйчибаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Оккузиев Ёрбобо Ядгарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Уктамов Рустам Хуснидинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳамидов Бахтиёржон Усманович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командирини

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Азимов Абдуваҳид Ваҳабжанович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг бўлим бошлиғи

Груздев Андрей Леонидович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўшинлари маркази гуруҳи бошлиғи

Ли Олег Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги авиация-техника лабораториясининг катта муҳандиси

(Давоми 2-бетда)

2010 йил 12 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдулломонов 2009 йил 27 декабрь куни давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловни қонун талабларига мувофиқ ҳолда, юксак демократик даражада ўтказиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан Концепция қабул қилингани, қонун ҳужжатлари ҳамда Концепция талабларига сайлов кампанияси даврида тўлиқ амал қилинганлини таъкидлади. Сайлов тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, сийсий партиялар ва депутатликка номзодларга сайлов кампаниясини амалга ошириш, сайловчилар билан учрашувлар

215 минг 700 нафар сайловчиларнинг фамилияси киритилиб, овоз беришда 15 миллион 108 мингдан ортиқ ёки сайловчиларнинг 87,8 фоизи қатнашди.

Овоз бериш натижалари

татлар сайловини ўтказувчи 39 та сайлов округида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур миқдорда овоз тўплай олмаганлиги сабабли, Марказий сайлов комиссияси 2009 йил

## САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ЯКУНЛАНДИ

Ўтказиш, сайловолди дастурлари мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказишда оммавий ахборот воситаларини фойдаланишда тенг ҳуқуқ, имкониятлар яратилди. Бир депутатлик мандати учун 99 та сайлов округида 4 нафардан, 36 та сайлов округида 3 нафардан номзод кураш олиб борди. Мамлакатимиз бўйича сайловчилар рўйхатига 17 миллион

рига кўра, 96 та сайлов округида Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, сайлов куни Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Конференциясида Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати сайланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депу-

30 декабрь куни мазкур округларда такрорий овоз беришни 2010 йил 10 январда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Сайлов қонунчилигига кўра, такрорий овоз бериш асосий сайловлар жараёнида сайловчиларнинг энг кўп овозини олган икки нафар депутатликка номзод бўйича ўтказилди.

2-бет



ФАРЗАНДАРИ  
БАҚУВВАТ  
ЮРТ...

3

Ўzbekiston havo yo'llari

Хизматлар лицензияланган

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Шу мақсадда куйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайман:

**Биринчи.** Куролли Кучларимиз қисмларининг сафарбарликка доимий равишда тайёрлиги ва ҳаракатчанлигини, уларнинг юз бериши мумкин бўлган турли таҳдид ва хавф-хатарларни, чегараларимиз дахлсизлиги, фуқароларимизнинг тинч-осойишта меҳнати ва ҳаётини бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз уринишларни ўз вақтида ва самарали бартараф этиш қобилиятини таъминлаш даркор.

**Иккинчи.** Куролли Кучларимизнинг қисм ва бўлинмаларини энг янги курол-яроғ ва жанговар техника билан қайта жиҳозлаш, замонавий воситалар билан таъминлаш бўйича қўйилган вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш мумкин бўлган аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан хорижий ҳамкор давлатлар билан халқаро ҳарбий-техник ҳамкорликни янги поғонага қўтариш ва қўламини кенгайтириш, 2010-2015 йилларга мўлжалланган комплекс чоратadbирлар дастурини тайёрлаш ва амалга ошириш зарур.

Қўшинларнинг взвод-батальондан тортиб ҳарбий округларгача бўлган юксак даражадаги жанговар қобилиятини таъминлашга қаратилган ўқув-жанговар тайёр-гарлик ишларини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Жанговар операцияларни амалга оширишнинг тактикаси ва усуллари мунтазам равишда ўзгариб, энг янги курол-яроғ ва ҳарбий техника тобора мураккаблашиб бораётган ҳозирги шароитда шахсий таркибнинг индивиду-

ал ва гуруҳ шаклидаги жанговар тайёргарлиги ва ҳарбий малакаси эгаллаши бўйича принципиал жиҳатдан янги дастурларни жадал ишлаб чиқиш ва жорий этишни, кўмондонлик-штаб ва тезкор-тактик ўқув машқлари ўтказишни тубдан қайта қўриб чиқиш талаб этилади.

Ҳарбий санъатни ўрганиш ва яна бир бор ўрганиш — бугунги кунда бу талаб армиямизни модернизация қилиш борасидаги барча ишларимизнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолмоқда.

**Учинчи.** Ҳарбий бошқарув тизимини такомиллаштириш, эҳти-мол тутилган жанговар ҳаракат-лар майдонининг ўзига хос ша-роитида бутун мудофаа тизими-да барча қўшин турларига қа-рашли қисм ва бўлинмалар, ва-зирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмалари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш, уларнинг аниқ ва бир ёқдан бош чиқариб ҳаракат қилишини таъминлаш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириш ва чуқурлашти-риш муҳим аҳамиятга эга. Арми-ямизнинг давлат чегараларимиз-ни ишончли қўриқлашга қодир бўлган, мамлакат мудофаа тизи-мидаги заиф нуқталарни ўз ва-қтида аниқлаб, уларнинг бартараф этилишини таъминлайдиган, ҳар томонлама пухта ташкил этилган механизм, бир сўз билан айтган-да, барча таркибий қисмларни ўзаро узвий болганган ягона жан-говар комплекс сифатида тўла-қонли фаолият юритишига эри-шиш гоёт муҳим аҳамиятга эга-дир.

**Тўртинчи.** Офицер ва сержант кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, интеллектуал жиҳатдан етук, стратегик фикрлай олади-ган офицер кадрлар, шунингдек,

қўл остидаги бўлинмаларни са-марали бошқаришга, уларда со-ғлом ахлоқий-руҳий вазиятни сақ-лашга қодир профессионал ша-роитларни тайёрлайдиган ҳарбий билим юртли ва сержантлар мактаблари фаолиятини замон талаблари ва стандартларини эътиборга олган ҳолда тубдан ях-шилаш асосий вазифа бўлиб қол-моқда.

Курол-яроғ ва техниканинг за-монавий турлари, қўшинларни бошқариш методлари, жанговар операцияларни амалга ошириш-нинг тактик усуллари, жанговар тайёргарлик ва тарбиявий ишлар дастурларини таҳриба ва синов-дан ўтказишда асосий база ва ре-конструкция қилиш, уларда энг замонавий талаб ва стандарт-ларга жавоб берадиган барча қулайликларни яратиш бўйича қабул қилинган давлат дастурла-рининг тўлиқ бажарилишига ало-ҳида эътибор қаратиш лозим.

Куролли Кучларимизнинг олди-га қўйилган вазифаларни амалга ошириш мудофаа вазирилик, Бирлашган штаб, бутун кўмон-донлик таркибидан Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Олий Бош Қўмондонининг мам-лакатимиз Куролли Кучлари таш-кил этилганнинг 18 йиллиги му-носабати билан қабул қилинган Директивасида белгилаб берил-ган қоида ва кўрсатмаларни сўзсиз бажаришни талаб қилади. Азиз дўстлар!

Бугунги кутлуг байрам кунда Куролли Кучларимиз сафларига хиз-матни муносабати тарзда ўтаётган ва захирадаги ҳарбийларга, барча Ватан ҳимоячиларига мурожаат қилар эканман, армиямиз Вата-нимизнинг муқаддас сарҳадлари, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, мусаффо осмонимизнинг ишонч-ли химоясини таъминлашга қодир, деб қатъий ишонч билдираман. Сизларни яна бир бор Ватан ҳимоячилари кўни билан чин қал-бимдан табриқлайман!

Барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингиз-га файзу барака тилайман!

Шу муносабат билан аскар, сержант ва офицерлар таркиби-нинг хизматни ўташ ва яшаш жой-ларидаги ижтимоий-مائий-ша-роитларини изчил ва тизимли ра-вишда яхшилаш, ҳарбий хизмат-чиларни уй-жой билан таъмин-лаш, ҳарбий шахарчаларни қуриш ва реконструкция қилиш, уларда энг замонавий талаб ва стандарт-ларга жавоб берадиган барча қулайликларни яратиш бўйича қабул қилинган давлат дастурла-рининг тўлиқ бажарилишига ало-ҳида эътибор қаратиш лозим.

Куролли Кучларимизнинг олди-га қўйилган вазифаларни амалга ошириш мудофаа вазирилик, Бирлашган штаб, бутун кўмон-донлик таркибидан Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Олий Бош Қўмондонининг мам-лакатимиз Куролли Кучлари таш-кил этилганнинг 18 йиллиги му-носабати билан қабул қилинган Директивасида белгилаб берил-ган қоида ва кўрсатмаларни сўзсиз бажаришни талаб қилади.

Азиз дўстлар! Бугунги кутлуг байрам кунда Куролли Кучларимиз сафларига хиз-матни муносабати тарзда ўтаётган ва захирадаги ҳарбийларга, барча Ватан ҳимоячиларига мурожаат қилар эканман, армиямиз Вата-нимизнинг муқаддас сарҳадлари, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, мусаффо осмонимизнинг ишонч-ли химоясини таъминлашга қодир, деб қатъий ишонч билдираман. Сизларни яна бир бор Ватан ҳимоячилари кўни билан чин қал-бимдан табриқлайман!

Барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингиз-га файзу барака тилайман!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти,  
Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

# САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ЯКУНЛАНДИ

демократик партиясидан 19 нафар депутат сайланди. Жами 150 нафар депутатнинг 33 нафари ёки 22 фоизи хотин-қизлардан иборат. 47 нафари ёки 31,3 фоиз киши илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлган. Бу ҳолат сайланган депутатларнинг нафақат ўз сайловчиларининг ишончига сазовор бўлганлигидан далolat, балки уларнинг ҳаётий тажрибаси ва қонун ижодкорлиги кўникмаларидан янада самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Сайланган депутатлар орасида 34 нафари ёки 22,7 фоизи ҳукуқшунослар, 37 нафари ёки 24,7 фоизи иқтисодчилардир. Қуйи палата таркибида жамиятнинг деярли барча қатламлари вакиллари бор.

М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича сайлов кампанияси яқунланганини алоҳида таъкидлади. Сайлов жараёни ошқоралиги ҳамда транспарентлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларнинг фаолияти катта омил бўлганига эътибор қаратди. Сайловга тайёр-гарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёнини 500 дан ортиқ маҳаллий ва 200 дан зиёд хорижий оммавий ах-

борот воситалари ёритиб борди.

36 та давлатдан ва тўртта халқаро ташкилотдан, хусусан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия Кўмитаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислам конференцияси ташкилотидан 270 дан зиёд кузатувчи ва ваколатли вакиллари сайлов мониторингини юртди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, аҳолининг фаровонлигини юксалтириш, ижтимоий-сийсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида муваффақият билан олга оидмлаётганини яна бир қарра намоён этди.

**Бехўд ШУКУРОВ,**  
**«Ўзбекистон овози»**  
мухбири.

3-бет

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

### «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуқадиров Суннатилло Алдабергенович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

**Абдуллаев Анваржон Адхамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари секциясининг мутахассиси

**Абдурахимов Азиз Абдуразақович** — Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг бўлим бошлиғи

**Абдурахимов Санжар Бахтиёрович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

**Абдурахимов Рафиқ Фахриддинович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

**Адиллов Зафар Закирович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

**Аслидов Фирдавс Юсуфджонович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

**Атаджанов Шерзода Атаназарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ахтамов Одил Иброгимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари дивизиони командири

**Ачилов Давронбек Аҳмедович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми гуруҳининг командири

**Бобоев Фахриддин Эргашович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари йўриқчиси

**Воробьев Павел Вячеславович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ибрагимов Закир Талипович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

**Ибрагимов Иномжон Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик бригада командири

**Исламов Агзамжон Аҳмадович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

**Ишқуватов Нуриддин Юлдашевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Казаков Юнусали Турдалиевич** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Келдиоров Дилшод Ризакулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Киличев Зокиржон Мурадович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кулмуратов Баҳром Усарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисмининг взвод командири

**Курганов Косим Курбонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Малютин Егор Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Махматкулов Шуҳрат Ароркулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Махмудов Незматжон Солижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисмининг взвод командири

**Мирзамойдинов Шуҳратилла Қадирбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари секциясининг мутахассиси

**Очилов Жамол Абраевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари секциясининг мутахассиси

**Очилов Нарзулла Тухташев** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми гуруҳининг йўриқчиси

**Рахимов Акмал Ибодуллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рахимов Хусниддин Ҳамитович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми батальон командири

**Рахмонов Абдурашод Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари чегара постининг мутахассиси

**Сайдахметов Даниёрбек Равшанбекович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

**Суванов Баҳромжон Хурсанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Турдалиев Фуркатжон Хошимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари взвод командири

**Умаралиев Муҳаммадалло Махмудалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳакимов Жамшид Исмаилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хасанов Тўймурод Севарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми взводининг мутахассиси

**Ҳатамов Рустам Набижонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳожиёв Мансур Толибович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми хизмат бошлиғи

**Чориев Шавкат Умарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми гуруҳининг мутахассиси

**Чоршамбиев Гуломжон Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шамуратов Шарахим Анаршаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эргашев Иштиёр Кузиевич** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

**Эшонкулов Азиз Алиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эшмуродов Зоҳид Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми гуруҳининг командири

### «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдурахмонов Муҳаммади Дўмаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми гуруҳининг мутахассиси

**Артиков Жасур Муҳаммедович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий округ бошқармасининг бошлиғи

**Астанов Нодир Чориевич** — Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиқининг биринчи ўринбосари

**Джалилов Шерзода Қудратуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми батареяси командири

**Жураев Гайрат Нурмаатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Исмаилов Бахтияр Ешбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик бригада командири

**Каримов Обиджон Давлатович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Қаюмов Жасур Ҳабибуллаевич** — Тошкент олий умумқўшун қўмондонлик билим юрти кафедра бошлиғининг ўринбосари

**Қобилов Анвар Муртазаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми гуруҳ командири

**Қосимов Мурод Хидирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми гуруҳ командири

**Қудратов Собиржон Ризакулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми гуруҳ командири

**Қудратов Ҳамидулла Насимович** — Тошкент ҳарбий округи ҳарбий судининг раиси

**Қушмуратов Равшан Худойназарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг командири

**Мамарасулов Фарходжон Мамаюсович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари катерининг командири

**Махмудов Икромжон Абдумуталибович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик бригада командири

**Мирзаев Акмалжон Анарбекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Отажонов Одилжон Раҳимжонович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

**Раҳматов Гани Валиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рузибаев Абдулла Бекбергенович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Рустамов Илхом Исмомович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

**Сотқонов Таваккалжон Расуллов** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Султанов Мир-Зафар Умаралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бошқармаси бошлиғи

**Султонов Музафар Мубашерхонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми батареяси командири

**Ташпулатов Камол Саиднабиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Уралов Шерали Журабоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик бригада командири

**Худайбергенов Гайрат Камилевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хужакулов Раҳманкул Аллакулович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

**Хусенов Бахтиёр Муҳитдинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми взводининг мутахассиси

**Юсупов Бахтияр Акбархаджаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ярматов Махмуд Исмоилович** — Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурори

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдимурадов Манас Қўшмуратович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми взводининг мутахассиси

**Абдурахманов Уткирбек Гуломжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми хизмати мутахассиси

**Аҳмедов Рафиқжон Абдуразақович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми гуруҳининг мутахассиси

**Ашуров Ниёз Илхомович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми гуруҳининг мутахассиси

**Бегалиев Устам Атамуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми гуруҳ командири

**Боймуратов Ҳамдам Ҳамидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми взводининг мутахассиси

**Глазков Виктор Вениаминович** — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академиясининг ўқитувчиси

**Гозиев Дилмурод Нормуродович** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг бўлим бошлиғи

**Камиллов Абдуманнаб Абсаматович** — Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси уста-қутқарувчиси

**Мустанов Тошканбой Улмасович** — Ҳарбий-қурилиш йўналишидаги Самарқанд академик лицейининг математика ўқитувчиси

**Отмуродов Баҳодир Меилеевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисми гуруҳининг мутахассиси

**Раҳматов Темура Тельманович** — Жануби-ғарбий маҳсу ҳарбий округ ҳарбий судининг раиси

**Рузметова Озада Рузметовна** — Ҳарбий-юрдик йўналишидаги Урганч академик лицейининг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Сафаров Юсупбай Хужабайевич** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

# Ватан ҳимояси — олий шараф



## АСКАРЛАРИ БАҚУВВАТ ЮРТ...

**Дала-ўқув машғулоти майдони. Сафга тизилган ҳарбийлар жанговар ҳолатда. Улар ўқотар куроллардан олис ва яқин масофалардаги ҳаракатланувчи нишонларга қарата отиш ва қўл граната-сини яқин масофадаги нишонларга улоқтириш бўйича синовларни адо этишлари лозим.**


Дастлаб машғулот раҳбари томонидан посбонларнинг ушбу синовларга қай даражада тайёрлиги, ўзларига би-

риктирилган куроллар бўйича назарий билимлари синалди. Ниҳоят, взвод командири офицер Мирзохид Курбоннинг «Жангга!» деган буйруғи янгради. Кичик сержант Алишер Маматов ҳаракатланувчи нишонни мўлжалга олди. Нишонлар ерга қулади. Биринчи босқичдан муваффақиятли ўтган кичик сержант Маматовга позицияни ўзгартириш ҳақида буйруқ берилди. Энди сал яқинроқда тезроқ ҳаракатланаётган нишонлар яқсон этилиши лозим. Маҳорат бу гал ҳам ўз сўзини айтди. Нишонларга қарата отилган ўқлар бехато тегди.

Шунингдек, яқин масофадаги нишонларга граната улоқтириш машқи ҳам муваффақият билан адо этилди. Бунда улоқтирилган гранатанинг белгиланган масофага етиб бориши, маълум квадратга тушиши ва ўша ерда портлаши эътиборга олинади. Шунингдек, назорат синовларини топшираётган ҳарбийларнинг қоидага биноан ҳаракатланиши, куролга ўқдонни ўрнатиш ва жанговар ҳолатдан чиқаришдаги машқларни тўғри бажариши, хуллас, ҳамма-ҳаммаси ҳисобга олинади.

Машғулотни кузатар эканмиз, уларнинг барчаси бирдай шижоатли ва моҳир эканига амин бўлдик. Аксарият ҳарбий хизматчилар нишонларга қарата ўқ отиш синовларини биринчи уринишдаёқ муваффақиятли якунлашди. Айниқса, автоматдан нишонга отган кичик сержантлар Лазиз Раҳмонов, Шерали Эсонов, қўл пулемётидан нишонга отган сержант Исмоил Аҳмадалиев, мутахассис-мерган сержант Акмалжон Усмоновлар бу борада энг илгор деган номга сазовор бўлишди.

Ёшнинг ҳақимов



Халқимизда аёллар қадим-қадимдан қадрланиб, уларга алоҳида ҳурмат бажо келтирилади. Аёл оладиган эъзознинг ярми аёллиги учун бўлса, ярми оналиги учун деб эътироф этилади. Аёлга, онага, қизларга банишланган қўшиқлар энг гўзал қўшиқлар ҳисобланади. Бирин-бириндан ҳикматли мақоллар ҳам аёллар ҳақида. Масалан, «Гул ўсса — ерининг кўрки, қиз ўсса — элнинг кўрки» деган мақолни олайлик. Бу ўринда миллатнинг келажаги қизларга, аёлларга боғлиқлиги назарда тутилмоқда.

## ТАНЛАГАН КАСБИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Дарҳақиқат, бугун бир хонадоннинг назокатли қизи эртага бошқа оиланинг нафосатли бекаси, кейин эса жажжи фарзандларнинг меҳрибон онаси бўлади. Демак, юқорида таъкидлаганимиздек, миллатнинг келажаги мана шу назокатли, нафосатли, меҳрибон аёллар қўлида.

Ҳозир мамлакатимизда аёллар мавқеини кўтариш, шаънини улуғлаш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни тобора юксалиб бормоқда. Маълумки, яқин-яқингача касб танлашга келганда қизлар асосан ўқитувчилик, тиб-

биёт, санъат, тикувчилик, пазандалик каби йўналишларини танлашар эди. Бугун эса ўзбек қизлари барча соҳаларда хусусан, ҳарбий соҳада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бунга божхона тизимида хизмат қилаётган хотин-қизлар яққол мисол бўла олади.


Мен ҳам ёшлигимдан ҳарбий либосдаги қизларга жуда ҳавас қилардим. Мақтабни тугатгач, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Олий ҳарбий божхона институтига киришга қарор қилдим. Ҳозир ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича 3-курс тингловчисиман. Бу ерда пухта билим олишимиз учун

барча шароитлар яратилган. Божхона ходимларининг асосий вазифаси мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Бу касб кишидан ҳалоллик қатъият керак бўлса жасорат талаб этади. Шунингдек, юртимизга ташриф буюрган ҳар бир меҳмон аввало, божхона ходими билан учрашади. Халқимизнинг маънавияти ва маданияти ҳақида илк таассуротга эга бўлади. Мен ана шундай шарафли касбни танлаганимдан фахр-



ланаман. Мақсадим — келгусида малакали мутахассис бўлиб етишиш, отанам ва устозларим ишончини оқлаш, Ватанимга сиздиқидилдан хизмат қилиш.

**Дилрабо ШОДМОНҚУЛОВА,**  
Олий ҳарбий божхона институти тингловчиси.



Ҳарбий хизмат қайси йўналишда бўлмасин, кишидан қаттиқ-тартиб интизом, мустаҳкам ирода, мардлик ва жасурлик, интеллектуал салоҳият, юксак ватанпарварликни талаб этади.


Аммо, чегара қўшинларида хизмат қилишнинг масъулияти, шарафи ўзгача. Чунки, Ватан чегарадан бошланади, чегара ортида ота-онанг, ака-ука, опа-сингил, халқинг сенга ишониб тинч ухлайди, меҳнат қилади. Чегарачиларимиз кечаю-кундуз уйгоқ ва хушёр, ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олишга тайёр ва қодир.

Ана шундай мард ва жасур йигитларимиздан бири Облоберди Эшимқуловдир. У ҳозирги кунда чегара қўшинлари сафида мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларини хушёр туриб кўриқламоқда.

— Ўғлим ёшлигидан амакиларига ўхшаб ҳарбий бўлишни орзу қиларди, — дейди отаси Абдурауф Эшимқулов. — Келажакда малакали ҳарбий мутахассис бўлиб, хизматни давом эттиришга қарор қилган. Ўғлим халқимиз ва Ватанимизга сиздиқидилдан хизмат қилаётганидан фахрланаман.

**2002 йилда Тошкент шаҳрида Ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернати ташкил этилган эди.**

**Бу даргоҳда курсантлар чуқур билим эгаллаши, жисмоний чиниқлиги, бошланғич ҳарбий таълим кўникмаларини олиши учун барча шароитлар яратилган.**



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов округларида такрорий овоз бериш натижасида ЎзХДПдан сайланган депутатлар РЎЙХАТИ

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи	№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1	Ахмедов Аҳад Амиридинович	1964	«Фарбгазтаъминот» унитар корхонаси Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи	Навоий вилояти, Навоий шаҳри	35-Қизилтепа сайлов округи	6	Очиллов Камил Раҳимович	1951	Бухоро давлат тиббиёт институти кафедра мудири	Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри	27-Жилвои сайлов округи
2	Ахмедов Сайдиовали Абдувалиевич	1961	Оққўрғон тумани «Гулистон-Бўстон» хусусий машина-трактор парки раҳбари	Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани	89-Дўстобод сайлов округи	7	Рузметов Хайрулло Ибадуллаевич	1964	Фукарорлик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари	Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани	111-Шовот сайлов округи
3	Байқулов Анвар Абдуғалпарович	1964	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	74-Денов сайлов округи	8	Сайфитдинова Мастураҳон	1957	Кува тумани «Кува анори» агрофирмаси директори	Фарғона вилояти, Кува тумани	102-Кува сайлов округи
4	Ибрагимов Каҳхор Маматаджиевич	1957	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси аъзоси	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	96-Оптиариқ сайлов округи	9	Эрназарова Гулноза Хамраевна	1969	Қарши давлат университети Ўзбек филологияси факультети декани	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри	116-Косон сайлов округи
5	Мансуров Зиевдин	1954	Республика Маънавият тарғибот маркази Наманган вилояти бўлими раҳбари	Наманган вилояти, Уйчи тумани	44-Тўрақўрғон сайлов округи	10	Қўлдашев Жўрақўзи Юсупович	1952	Катта Фарғона магистраль канали бошқармаси бошлиғи	Фарғона вилояти, Учқўприк тумани	92-Яйпан сайлов округи

